

**КРИМИНАЛ СЮЖЕТЛИ АСАРЛАРДА ФЁДОР ДОСТОЕВСКИЙ
АХЛОҚИЙ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ БАДИЙ ИНЬИКОСИ**
Дилбар Жалиловна ХАЛИЛОВА

доцент
Филология фанлари номзоди
Қарши давлат университети
Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Мазкур мақолада Ф.М.Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” романи мисолида жиноятнинг келиб чиқишида шахсий ҳаётнинг азият манзарапар, турли муаммолари, психологик тасвир ифодаланган.

Таянч сўзлар: жиноят, жазо, судхўрлик, психологик таъсир, ёшлар ва сиёsat, ахлоқ ва дин.

**ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ВОСПРИЯТИЕ НРАВСТВЕННЫХ
ПРИНЦИПОВ ФЕДОРА ДОСТОЕВСКОГО В КРИМИНАЛЬНЫХ
СЮЖЕТНЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ**

Дилбар Жалиловна ХАЛИЛОВА

доцент
Кандидат филологический наук
Каршинский государственный университет
Карши, Узбекистан

Аннотация

В данной статье на примере романа Ф. М. Достоевского «Преступление и наказание» описываются сцены личных страданий, различные проблемы, психологический образ в происхождении преступления.

Ключевые слова: преступление, наказание, ростовщичество, психологическое воздействие, молодежь и политика, мораль и религия.

Маълумки, ҳар қандай бадиий асар мақсадлари тизимида фалсафий, сиёсий, ахлоқий, маънавий масалалар талқини кўзда тутилади, ҳатто, баъзи асарлар сиёsatдан, фалсафий кўламдан холи бўлиши мумкин. Аммо, ҳар қандай катта-кичик асарда ахлоқий нуқтаи назар ифодаси албатта бўлмоғи шарт ҳисобланади. Чунончи, бадиий адабиёт моҳиятан ўз характери, мақсад-муддаоси билан инсоншунослик экан, шу боисдан ана шу инсоннинг одамийлик фазилатлари талқини билан бевосита боғлиқ бўлиши лозим.

Одатда, криминал сюжетли асарларнинг баъзилари соф криминал мавзу билан бевосита боғлиқ бўлади. Артур Конан Дойлнинг “Шерлок Холмс” туркумидаги қиссалари ва ҳикоялари, Агата Кристининг деярли барча

романлари, Жорж Сименоннинг “Можатик меҳмонхонасидаги қотиллик” романни шундай мукаммал криминал сюжетли асарлар саналади. Достоевский, Толстой, Т.Драйзер, М.Твен, Э.По, Ж.Лондон, Ж.Стейнбек, Г.Маркес, А.Қодирий, А.Чўлпон, А.Фитрат, С.Аҳмад, О.Ёқубов, Ў.Умарбеков, Т.Малик, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул асарларида криминал сюжетлар ижтимоий, тарихий, оиласвий-маиший, сиёсий мавзулар билан боғлиқ кўламда талқин этилади. Достоевский ва Толстой каби санъаткорлар инсоний характерлар талқинида уларни ижтимоий муаммолар тўлқинида, кучли психологик таҳлиллар кўламида тасвиrlаганлар. Бундай услубий шаклнинг аҳамияти ҳаётийлик ва таъсиrчанликни юзага келтиради.

Раскольников даҳшатли равишдаги қашшоқлик, ижара пулинин тўлай олмаслик даражасидаги азоби ичра “*исқирт ижарачи кампир*”ни бир ёқлиқ қилиш хаёлларига фарқ бўлиб юрган вақтлардаги ҳолатлари ёзувчи томонидан ички коллизияси психологик услубда тасвиrlанади.

“Кандай ишга қўл урмоқчиман-у, яна мана бунақа арзимаган нарсалардан қўрқиб ўтирибман! – деб ўйлайди Родион ўзи-ўзича ғалати ишшайиб. – Ҳм... Ҳа... ҳаммаси одамнинг ўз қўлида, юрагинг дов бермагандан кейин бурнингнинг тагидаги нарсадан қуруқ қоласан... Бу қандай равшан гап... Қизиқ, одамлар ҳаммадан кўпроқ нимадан қўрқадилар? Бир янги ишга жазм қилишдан, бир янги гап айтишдан ҳаммадан кўра кўпроқ қўрқадилар...” [1;4]

У ўзини жуда кўп валдираётгандай сезади. Оғзи гапдан тинмай, қўли ишга бормай қолади. Ҳаётининг кейинги пайтларида у шундай телбavor бўлиб қолганди. Бир бурчакка тикилиб олиб, ҳадеб йўқ нарсанинг хаёlinи сураверарди. Баъзан бу унга қуруқ сафсата бўлиб туюлади: “Мана, ҳозир нима қилиб юрибман? Ахир, мен эплай оламанми? Бу ўзи жиддийми?” деган иккиланиш хаёлларига боради Родион. Унингча, бу майнавозчилик! “Дарвоқе, майнавозчиликнинг худди ўзи!” деган тифиз ўй-хаёллар унинг бутун вужудини қамраб олган эди. Бу ҳаётда яшашдан безган, мақсад-муродларига ета олмаётган бечора камбағалнинг руҳий ҳолати. Родион, нима қилиб бўлса-да, “*шум кампир*”ни гумдан қилиш, шу билан тўпланиб қолган

қарзларидан кутулиш, шу билан бирга, кампирнинг умр бўйи чорасиз ижарадорлардан, фоизга берган пул-буомларидан тўплаган судхўрлик пулларига эга бўлиш каби қора ниятни кўзлайди.

Раскольников ижара пулини беролмаган вақтларда пул ўрнига буюмлар (соатини, эсадалик совға нарсасини) берарди. Кампир буюмларни қимматига сотар, шу билан ҳам ижара пулини чиқарар, ҳам маълум миқдорда соф фойдасини кўрарди. “Жиноят ва жазо” романининг илмий тахлилига оид илмий китоблар, мақолалар, диссертациялар бағишиланган. Бу тадқиқотларда манқурт ижарачи кампир Алёна Ивановнанинг судхўрлиги масаласига алоҳида урғу берилмайди. Фикримизча, динлардаям, муқаддас китоблардаям қораланган судхўрлик иллатини фош қилиш – Достоевский ғоявий карьерасининг муҳим мақсадларидан бири бўлган. Тўғри, ижарачи кампир Гобсек (Бальзак), Плюшкин (Гоголь), Кори Ишкамба (С.Айний) каби ашаддий судхўрлардек кўзга ташланадиган судхўр сифатида эътиборни тортмайди. Аммо у ҳалиги катта судхўрлардан кам бўлмаган тубан, фойдапараст, инсоннинг аҳвол-руҳияси, камбағаллиги, етар-етишмовчилиги билан ҳисоблашмайдиган, кеча-қундуз ўзининг қора нафсинигина ўйлайдиган мунофиқ эканлиги ҳам ёзувчи томонидан бадиий жиҳатдан мукаммал талқин қилинган.

Ёзувчи ижарачи судхўр кампир хонадонини, унинг уй-жойларини нақадар тоза-озода тутишини Родионнинг нигоҳи орқали тасвиirlаб, бу “тоза-озода”лик ортида қанчалик қабоҳат ва фойдапарастлик мавжудлигини уқтиromoқчи бўлган.

Хона чинnidай ярқиратиб қўйилганди: жиҳозлар ҳам, пол ҳам ялагандай тоза эди. “Лизаветанинг иши”, дея хаёлидан ўтказади Родион. Уй ичидан гард қидириб топиш амри маҳол эди. “Заҳар ва қари бева хотинларнинг уйлари мана шундай тоза бўлади”, дея ўзича ўйларди Раскольников иккинчи мўъжазгина хонанинг эшигига тутилган чит дарпардага қизиқиб қарап экан; бу хонада кампирнинг кўрпа-тўшаги ва қутиси турарди, бечора йигит ҳали бу хонани кўрмаганди. Уй мана шу икки хонадан иборат эди, холос. Кампирнинг

кутисида унинг умр бўйи йиққан бойлиги – дур, жавоҳир ва тиллалари сақланарди. Ёзувчи бу манзараларни Раскольников нигоҳи орқали бежизга чизмаяпти. Бу унинг қалбida шум кампир тўплаган, ўзи каби бечоралар қонини сўриб, бойлик эгаси бўлган исқирт дунёсини кўрсатмоқни ният қилган. Тўғри, Раскольников кампирни ваҳшийларча ўлдиради, бунда унинг ижара қарзини тўлай олмаганлиги билан боғлиқ муаммосигина эмас, балки бундан ҳам йирикроқ мақсади – кампирнинг ёвуз судхўрлиги билан боғлиқ, бундай тубан кимсани ҳаётдан маҳрум қилиш, бечора кишиларни унинг зулм-қабоҳатидан халос этиш каби эзгу нияти билан боғлиқ бўлганлиги аёндир.

Мана, бечора йигит яна юрак ҳовучлаб, кампирнинг ижара қарзи ўрнига соатини олиб борган палласидаги судхўр кампир – қашшоқ талаба муносабатига диққат қилайлик:

“ – Сизга нима керак?” – дея сўрайди кампир хонага кирилгач, ҳамон унинг қаршисида тик туриб тикилганча.

“ – Мана буни сизга олиб келувдим! – дейди йигит чайналиб ва чўнтағидан эски ялпоқ кумуш соатни олади.

Соатнинг орқа томонида ер куррасининг шакли тасвиранган эди. Соатнинг занжири пўлатдан ишланганди.

“ – Олдингисининг ҳам мухлати аллақачон ўтиб кетди-ю. Бир ойдан ошганига мана уч кун бўлди”, – дея иддао қилади судхўр аёл.

“ – Мен сизга яна бир ойнинг фоизини қўшиб бераман, сабр қилинг”, – дейди бечора Родион ялинчоқлик билан. Судхўр кампирда инсоний қиёфа ва одамий муомала йўқ.

“ – Бу ёфи, отагинам, ихтиёр менда, сабр қиласманми ёки қўйиб кетган нарсангизни сотиб юбораманми, ўзим биламан”, – дейди у заҳар сочиб.

“ – Бу соатга қанча бераркинсиз, Алёна Ивановна?” – дея юрак ҳовучлаб сўрайди имконсиз йигит.

“ – Ўзи арзимаган нарса бўлгандан кейин унга қанча ҳам беришарди, отагинам, – дейди бағритош кампир. – Ўтган сафар ташлаб кетган узугингизга

икки сўм бергандим, ваҳоланки, унақа нарсани заргардан бир ярим сўмга олишингиз мумкин, тағин янгисини”.

Кўринадики, охирги нарсасини ҳам бериб, қарздан қутулишни ўйлаган Родионга раҳм қиласиган, унинг тушкун аҳволини ўйлайдиган жонзот бу оламда йўқдек туюлади. Бундай юракни эзид, парча-парча қилиб ташлайдиган ҳолатлар борган сари Раскольников кўнглида бу шум кампирдан даҳшатли ўч олиш туйғусини алангалатарди.

В.Я.Кирпотин Раскольников образи, унинг руҳий олами, бечора ва эзгин дунёси, иккиланишлари, “*мараз кампир*”ни ўлдирган воқеалари билан боғлиқ руҳий ҳолатларини ниҳоятда батафсил бадиий таҳлил қилган.

“Мана, ўз қотиллигидан қалбан-руҳан чексиз азият чекиб, касал ётган Раскольников хузурида уни кўргани келган яқинлари – Разумихин, Зосимов, Лужин, Хунилар шу баҳона Россиянинг олтмишинчи йиллардаги энг долғали даври: ҳалқ норозилиги, подшо реформасининг сунъийлиги, Алёна Ивановнанинг ўлдирилиши, ёшлар ва сиёsat, ахлоқ ва дин, атеизм ва жоҳилият каби долзарб масалалар қизғин муҳокама қилинади” [2;10].

Бу вақтда ҳали одамлар кампир Раскольников томонидан ваҳшийларча ўлдирилганлигини билмасди. Бу қотиллик муҳокама қилинар экан, эсли-ҳушли кишилар буни даврга хос иллат сифатида билар, ҳатто, судхўр ва тубан кампир ўлими унинг учун берилган муносиб жазо деб билардилар. Кирпотин Достоевский қалбида мана шу асл ҳақиқатни нозик илғаган мақомда теран фикр юритади.

Жаҳон адабиётида судхўрлик ҳақида яратилган асарларда тубан порахўрларнинг қисмати ўлим билан интиҳо топиши воқеаси шаклида якунланади. Компоративистика текшириш тизими нуқтаи назаридан қараганда, жаҳон адабиётидаги асарларни ғоявий, бадиий, шаклий, жанрий, маҳорат масалаларида эркин қиёсий метод орқали ёндош ўрганиш ва таҳлил этиш мумкинлиги ёндашувидан келиб чиқиб, асли жиноятларнинг каттаси бўлган судхўрлик мавзусидаги айрим асарларни кўздан кечириб ўтиш мумкин. Машҳур Америка ёзувчиси Жек Лондон ўзларини фойда, мол-мулк дея, олис

жинои үлка – Аляскага чоғлаган кишилар ҳаётини ўрганиш учун судхўрлардан қарз кўтариб, Аляска сафарига отланади. Натижада Аляска, олтин изловчилар ҳаёти билан боғлиқ адібнинг неча машҳур асарлари яратилади: “Оппоқ сукунат”, “Гулхан”, “Бир парча гўшт”, “Кулранг бўри”, “Нам+бок ёлғончи”, “Чандиқ юзли киши” каби хикоялари, бир қатор қиссалари, публицистик мақолалари юзага келади. Бу асарларда қашшоқ бандаларнинг, кўпайган бойлигига яна бойлик қўшишни ўйлаган бойваччаларнинг аҳволи, нафсга, судхўрликка берилган олчоқларнинг аянчли тақдирлари ўз ифодасини топди.

Ф.Достоевский Раскольников+ижарачи судхўр кампир мунсосабатларини ниҳоятда чуқур ва мукаммал таҳлил қилган. Шу жараёнда ёзувчи кўзлаган ва ният қилган ахлоқий масалалар, масалан, ёш йигитнинг жонига теккан, бойлик учун муккасидан кетган кампирни ўлдириш фикрининг нақадар жирканч эканлигини сезиб, қаттиқ қийналишларини психологик жиҳатдан, жумладан, муаллиф нутқи психологияси орқали анчайин чуқур алпозда талқин этади.

“Ё, Парвардигор! Бунчалар ярамас ҳаммаси! Ва наҳотки, мен... Йўқ, бўлмаган гап, бемаънилик! – деб қўшиб кўяди Раскольников қатъият билан. – Наҳотки, шундай даҳшатли бир нарсани қилиш менинг қўлимдан келса? Наҳот, менинг дилимда шунчалар қабоҳат яшириниб ётган бўлса! Қанчалар палид, ифлос, расво, расво! Яна мен бир ойдан бери...” [1;11]

Бироқ у юрагини жунбушга келтирган бу нарсаларни ифодалаб беролмасди. Ҳали у кампирнинг ҳузурига келаётган пайтдаёқ, юрагини эзив, вайрон қилиб ташлаётган беҳад нафрат мана энди шу даражага бориб етадики, бундан у ўзини қўярга жой тополмас, қўнглини босган қорогуликдан қандай қутулишиниям билмасди. Бу – барибир шум кампир жонига қасд қилиш лозимлиги ҳақидаги қора ният эди. Ёзувчи Родионнинг бегубор, камхарж йигит сифатида бу қотилликка қўл уришдан ҳазар қилиб, қанчалик ўзини босишга, бу фикридан қайтишга уринганлигини психологик жиҳатдан мантиқан асослаб беришга ҳаракат қилган.

О.Н.Осталовский ўз тадқиқотларида Достаевкийнинг психолог ёзувчи сифатида ўзи яратган етук образлар тимсолида психологик маҳорат бобида ижодий мактаб, адабий анъана яратган санъаткор эканлигини чуқур тадқиқ этган [4;38-42].

Родион Раскольников одамларга, жамиятга, тараққиётга бир пуллик фойдаси тегмай яшаётган судхўр кампирнинг ўзи билан бир ҳаводан нафас олаётганидан нафратланар эди. У ўзининг улуг мақсади йўлида судхўр кампир кабиларнинг устидан бемалол ўтса, зиёnsиз, деб ўйларди. Лекин у ҳам кўп қатори ўзини-ўзи тергар, оқибатни ўйларди.

Родион анча оғир руҳий тўлғанишлар даврида қаҳвахонада бирданига Мармеладовга дуч келади. Мармеладов ҳам худди ўзидек “соchlариниғижимлар”, “алам билан бошини чангллаб оларди”, жамият томонидан ифлос чоҳга иргитиб ташланган Мармеладовнинг сўzlари доно файласуфларнинг ҳикматларига шарҳдек Раскольниковга маъқул туша бошлади. У қандайдир калаванинг учини топгандай бўлади: Мармеладов, “йўқчилик, марҳаматли афандим, йўқчилик бу – иллат, ҳа, Сиз камбағалчиликда ҳали ўзингизнинг туғма олийжаноб фазилатларингизни саклаб қолган бўласиз, йўқчиликда эса уларни ҳеч қачон ва ҳеч ким саклаб қола билмайди. Йўқчиликда одамни одамзод тўдалари ичидан таёқ билан эмас, супурги билан ҳайдаб чиқарадилар, яна ҳам шармандалироқ бўлсин десалар керак-да”, дея фикр юритади.

Бу аччик ҳақиқат маст кимсанинг оғзидан чиқаётгани Раскольниковни ҳайратга солади ва ялт этиб ўзинингчувалашиб кетган қора хаёлларини яна бир бор англашга йўл, туйнук топгандек бўлади. Бу икки шахснинг инсоний ва маънавий фарқи деярли кам эди. Мармеладов гўёки хашаклар ичидаги бурканиб, ҳаммадан безиб, одамлар тўдасидан “супурги билан” қувилиб, кеманинг торгина бир бурчагида яшарди; Раскольников эса замзамали ҳаётнинг ўзи четга итқитиб ташлаган, аммо одамлар қуршови, ғала-ғовури, кераксиз, мақсадсиз машғулотлари маркази бўлган уйларнинг чеккадаги губорли хоначасида жон сақларди. Достоевский қаердадир “одми, чаласавод одамлар рост гапни айтадилар”, деб таъкидлаган эди.

Ҳаёт нотантиликлари эзид ташлаган жафокаш Мармеладов баҳтсиз, эзгин онларини кўп бошидан кечиргани учун Раскольников кириб келган заҳотиёқ унинг юзидағи қайғу, аламларни уқиб олади: “Йигит, – деди у яна бошини кўтариб. – Сизнинг чехрангизда мен қайғу аломатларини ўқийман, шунинг учун ҳам дарҳол сизга мурожаат қилдим”. Ҳали чинакам қайғу олдинда эди, ҳақиқатан, бу Мармеладов айтмоқчи, катта фожиалардан бир аломатгина эди, холос.

Ёзувчи бу каби бечора одамлар, эзилган шахсиятлар тимсолларини ҳали биринчи романи “Бечора кишилар” асаридаёқ яратган, бу билан XIX аср чоризмнинг одамкуш моҳиятини яққол очиб ташлаган эди. Адид ижодида жиноят ва жазо мотивидаги қатор нотакрор асарларнинг яратилиши бежиз эмас эди. Булар – XIX аср Россия жамиятининг ойнаси эди.

Мармеладов ичкилик оқибатида ўз шахсининг емирилиши билан бирга – қизи Сонечканинг тубан йўлга кириб кетиши фожиаларини баён этаркан, Раскольниковларнинг қалбида муҳитга, одамларга қарши нафрат туйғулари янада яширин тарзда кучая боради. Тирикчилик деб, йўқчилик боис ор-номус, иффатдан воз кечиш фожиаси Мармеладовдан кўра уни кўпроқ эзади. Мармеладов хотини Катерина Ивановнанинг сочидан тортиб уришларини ажиб бир тарзда ҳикоя қилади. Бу ғайриоддий жафо – бировни азоблашдан роҳатланиш фалсафаси Раскольниковда сухбатдошига нисбатан самимий ачиниш ва раҳм-шафқат, ҳамдардлик руҳини кучайтиради.

Ф.Достоевский Раскольниковнинг кампирни ўлдирган воқеасини кучли ҳаяжон ва оғир руҳий изтироб билан тасвирлаган.

“ – Нега бунча рангингиз ўчиб кетибди? Ана, қўлингиз ҳам қалтираяпти!
Нима чўмилувдингизми отагинам?” – сўрайди кампир.

“ – Безгак тутяпти, – дейди Раскольников хириллаб.
– Рангинг ўчмай иложи йўқ... Ейдиган нарсанг бўлмагандан кейин, – дея
кўшиб кўяди базўргина”.

У яна бўشاшиб борарди. Аммо унинг жавобига ишонса бўлар эди.
Кампир буюмни қўлига олади.

“ – Нима ўзи?” – сўрайди у яна бир карра Раскольниковга дикқат билан тикилар экан, у буюмни қўлида чамалаб кўрарди.

“ – Буюм... Қутича... Кумушдан қилинган... Кўринг”, – дейди Радион.

“ – Кумушдан қилинганига унчалик ҳам ўхшамайди-ку...” – дея эътиroz блдиради кампир молпарастлигига бориб.

У боғланган ипни ечаман деб ёруқقا, дераза томонга ўгирилади (кун дим бўлишига қарамай, унинг барча деразалари беркитиб қўйилганди) ва бир неча муддат унга орқасини ўгирганча туриб қолади. Раскольников пальтосининг тугмаларини ечади ва болтани илгакдан чиқаради, лекин уни бутунлай чиқармасдан ўнг қўли билан этагининг тагида ушлаб туради. Родионнинг қўлида жон қолмаганди; вақт ўтган сайин қўллари тобора увишиб акашак бўлиб бораётганлигини ҳис қилиб турарди. У ногаҳон болтани ташлаб юбормасам, деб чўчимоқда эди. Шунда бирдан унинг боши худди айланиб кетгандай бўларди. Ёзувчи ҳали ҳамон йигитнинг ўзини қотилликдан сақламоқчи бўлаётганлигини нозик психологик ҳолати орқали тасвирлайди.

“ – Э, бунча чандиб ташламаса сабилни! – жаҳли чиқиб гапиради кампир ва унга қарайман деб бурилаётгандай бўлади. Аммо... Родионнинг фикрича, у ёвуз ниятини энди сира ҳам кечикириб бўлмайди деб ҳисобларди. У болтани бутунлай сопидан чиқариб, уни икки қўллаб азот кўтаради ва ўзи беихтиёр нима қилаётганиниям билмай-сезмай, унчалик кучанмай шуурсиз суръатда тўмтоқ томони билан кампирнинг бошига уради. Бунинг учун у сира ҳам куч сарфламаганга ўхшарди. Лекин худди мана шунда, яъни у болтани бир марта ургандан сўнг унда қора ва ёвуз куч уйғонади.

Кампир одатдагидай бош яланг бўлиб ўтирганди. Унинг ҳар доимгидай қуюқ мойланган сийрак, оқ оралаган малла соchlари сичқоннинг думидай қилиб ўриб қўйилган ва энсаси томондан яримта мугуз тароқ билан қадалганди. Кампирнинг бўйи паст бўлганлигидан зарба унинг нақ энсасига тушади. У заифгина қичқириб қўяди; у қўллари билан бошини тўсишга улгурган бўлса ҳам бирдан майишиб қулай бошлайди. Кампир бир қўли билан ҳамон “буюм”ни чангллаб турарди. Шунда Раскольников яна болтанинг

орқаси билан унинг миясига уради, яна уради. Кон худди тўнкариб ташланган стакандан оққандай оқа бошлайди ва кампир муккасига қулайди. Раскольников ўзини орқага олади ва кампир жойидан қулагач, дарҳол унинг башарасига қарайди; кампир аллақачон ўлиб қолган эди.

Раскольников хаёлидаги навбатдаги мақсадини – судхўр кампир буюмларини қўлга киритишга чоғланади. Бу хона мўъжазгина бўлиб, унда санамлар қўйилган каттакон жавон бор эди. Хонанинг бошқа бир томонига каттакон ўриндиқ қўйилган, унинг устига чиннидай озода қуроқ ипакдан тикилган пахтали кўрпа ёзиғлик эди. Бу хона кампирнинг судхўрлиқдан тўплаган ажабтовур бойликлари сакланадиган хонаси эди.

Раскольников ҳаммадан олдин алвон матога қон юқи бўлиб кетган қўлларини арта бошлайди. “Қизилда, қизил матода қон юқи унчалар билинмайди”, деган хаёл миясига келади-ю, бирдан сергак тортади: Ё, Роббим! Нима бўлди ўзи менга, наҳот миямни еб қўйган бўлсам?”, – деган ваҳимаси келиб кетади йигитнинг.

Бироқ у латта-путталарга қўл урар-урмас кутилмаганда бирдан пўстинчанинг тагидан олтин соат сирғалиб ерга тушади. Шундан кейин у ҳамма нарсани тит-пит қилиб ташлайди. Ростдан ҳам латта-путталарнинг тагларига, ораларига тилла буюмлар – афтидан, ҳаммаси муддати ўтган ёки ўтмаган гаровга қўйилган буюмлар, шекилли – билакузуклар, занжирлар, сирғалар, тўғноғичлар тиқишириб ташланган эди.

Қимматбаҳо буюмларнинг баъзи бирлари қутичаларга солинган, бошқа бирлари икки қават қилиб жуда эҳтиёткорлик билан авайлаб газета қофозларига ўралган ва белидан ип билан боғлаб қўйилган эди. Родион дарҳол уларни шимининг, пальтосининг чўнтакларига тиқа бошлайди, у ҳатто ўроғлик қофозларни, қутичаларни нима бор экан, деб очиб ҳам ўтирмасдан олаверади. Ҳатто, анча-мунча нарсалар шу ҳолича жойида қолиб кетади.

Раскольников жон ҳовули бу ердан кетиши кераклигини англаб, шоша-пиша кампирнинг хонасига ўтиб, сесканиб кетади. Ўлик қаршисида кампирнинг қизи Лизавета гаранг-лол бўлиб туради.

Лизавета қўлида каттакон тугун кўтариб олганди. Лизавета ўлиб ётган онасига ҳанг-манг бўлиб қараб тураркан, ранглари дока бўлиб кетган, ҳатто бақиришга ҳам мажоли қолмаганга ўхшарди. Раскольниковнинг отилиб чиққанини кўриб, у япроқдай дағ-дағ қалтирай бошлайди, чехраси даҳшатдан қийшайиб кетади; у қўлинини кўтаради, бақирмоқчи бўлиб оғзини очади, аммо, барибир, бақиролмайди ва ундан кўзларини узмаган ҳолда аста-секин орқасига – бурчакка сурилиб кета бошлайди. Лекин қиз ҳамон қичқирмас, худди қичқиришга сира нафаси етишмаётгандай эди.

Раскольников қўлида болта билан унга томон ташланади: Лизаветанинг лаблари худди бирон нарсадан қўрқиб кетган ва қўрқитиб юборган нарсага қараб туриб энди бақираман деб турган болаларникига ўхшаб, аянчли тарзда бурилиб кетади. Бу шўрлик Лизавета шунчалар ҳам содда, муштипар, бир умрга юрагини олдириб қўйган уволгина жон эдики, худди мана шу онларда қотил йигит башарасига болта кўтариб, ураман деб турган пайтларида ҳам ўзини ҳимоя қиласман деб, ҳатто қўлинини кўтармайди, қўллари билан юзларини тўсмайди. У фақат бўш турган чап қўлинини озгина юқори кўтариб, қўлинини болтага чўзганча, гўё уни четлаштиromoқчидай бўлади. Болтанинг тифи нақ унинг қаншарига келиб тушади ва миясини қоқ иккига бўлиб юборади. Лизавета шилқ этиб қулайди. Раскольников ўзини бутунлай йўқотиб қўяди ва унинг тугунини кўтариб олади, кейин яна ташлаб юборади ва даҳлизга томон чопиб кетади. Ёзувчи бу фожиали, ўта даҳшатли ҳодисаларни қанчалик юрак ҳовучлаб, бекиёс дардкашлик билан тасвирлаганлигини сезиш қийин эмас.

В.Кулешов “Раскольниковнинг қотиллигини тан олишида севгилиси Сонянинг, атрофидаги яқин кишиларининг христианлик, гуноҳни тан олиш, Оллоҳ ғазабидан қўрқиши ҳақидаги сухбатлари муҳим маънавий-ахлоқий роль ўйнайди” [3;105], деб уқтирган эди.

Адабиётшунос олим И.Фаниев Достоевскийнинг Раскольников образини яратишида унинг туганмас изтиробларини ифодалашдаги маҳорати ҳақида ёзадики, “Ёзувчи бизни фавқулодда мураккаб рамз, ишоралар дунёсига олиб кирмайди. У Раскольников ички оламида бошланаётган,

дастлаб тентираш, алаҳсирашга ўхшаш ҳолларнинг қандайдир асосларини бизга тушунтираётгандек бўлади. Ҳақиқатан, буюк мақсадлар одамни бир қадар чўчитиб, гўё тентиратиб қўйиши руҳшуносликдан маълум [5;30].

Родион тимсоли ўта мураккаб, ўта фожиали, ўта ғарибона шахс эканлиги боисидан жаҳон адабиётининг нотакрор бадиий образларидан бири саналади. Унинг қиёфасида қашшоқлик, камситиш, аламзадалик, раҳм-шафқат каби туйгулар уйғун ҳолда намоён бўлади. У барча кўргулиги, камбағаллиги, камситилганлиги туфайли бузилган жамиятдан қаттиқ норозилигининг ўчини судхўр кампирдан олади.

Шундай қилиб, мунофиқ судхўр ўз бошига ўзи етган эди. Эътибор берилса, судхўр кампир (“Жиноят ва жазо”), Гобсек (“Гобсек”), Плюшкин (“Ўлик жонлар”), Қори Ишкамба (“Судхўрнинг ўлими”) каби судхўрларнинг барчасининг аччиқ қисматлари фожиали ўлим билан интиҳо топади. Бу каби адабий параллеллик судхўрлик каби лъянати жиноий иллат ўша одамнинг умрига, обрўйига зомин бўлиши билан боғлиқ танбех одамзод учун инсоф кўзини очиши ибратини эслатиб туради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Достоевский Ф. Жиноят ва жазо. – Тошкент: Илм-зиё-заковат, 2021.
2. Кирпотин В.Я. Разочарование и кружение Родионого Раскольникова. Избранные работы в трёх томах. Том III. – Москва: Художественная литература, 1978.
3. Кулешов В.И. Жизнь и творчество Ф.М.Достоевского. – Москва: Детская литература, 1979.
4. Осталовский О.Н. Достоевский и русский психологический роман. АДД. – Москва, 1999.
5. Ғаниев И. Достоевскийни тушуниш ёки мангу бедорлик сири. – Тошкент: Фан, 2006.